
"Янги ҳаёт" маҳалласининг 2 километр масофадаги ички кўчалари асфальтлаштирилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-408-сонли қарорига асосан шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ички кўчаларни асфальтлаштириш, ичимлик сув қудуғи қозиш, электр таъминотини яхшилаш, ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ана шундай ижобий ишлардан бири шаҳардаги "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида олиб борилаяпти.

Хусусан бугун ҳудуддаги "Сой бўйи", "Мафтункор" ҳамда С.Оллоёр кўчаларининг 2 км масофадаги таъмирталаб ҳолатга келиб қолган қисми асфальтлаштирилди.

2023-04-04 14:07:35